

— Икбол ака, суҳбатимизни ноодатий саволдан бошласак. Хозирги кунда шоирлар тилга олаётган “самимият” сўзини хар бир одам турлича таърифлайди. Шеърятингиздаги самимийлик хакида гапирсангиз?

— Самимият атайин пайдо килиб бўлмайдиган фазилат. Агар айрим бандаларининг зуваласига бу хислатни кўшмаган бўлса, наилож, чидашга мажбурмиз. Ижоддаги самимийлик эса, анчагина камёб ходиса. Шеър ёзиш олифтагарчилик килиш дегани эмас, аксинча, кўнглингиздаги дардингни бошка бир дардмандга ботмайдиган, уни авайлаб ўзига келтирадиган холда етказолсанг — мана шу шеър. Мухаммад Юсуф ижодининг кудрати ҳам самимиятида эди. У ҳаммага факат бир кийёфа билан — самимий ва очик чехраси билан юзланарди. Элнинг бу қадар севимли шоири бўлиш, аввало, унинг қисмати эди. Мухаммад ака ана шу қисматни суиистеъмом килмади.

Шеърларимга келсак, мен факат ичимдагини ёзаман, холос. Пуфак туйгулардан, чучмал ва олифта кийёфадан пархез киламан. Буёғи эса, ўқувчига боғлиқ — сенинг ижодингни, шоир ёки шоир эмаслигингни юз-хотир килмай айтиб турадиганлар ўшалар.

— “Сизни куйлайман” номли китобингизда ўзингиз хакингизда ёзган бир фикр хакида сўрамоқчиман. “Менга мухаббат қалам тутказган. Кейинрок бу туйғу юрт ишқига, ватан севгисига айланди”. Шеърларингизнинг бош мавзуси мухаббат, ишқ тўғрисида.

Сизнингча мухаббат нима?

— Мухаббат сенинг ўзинг. Сен қачонки юрагинга ўхшаш юракни, дардинга монанд гуссани, овозингга ҳамоҳанг товушни илгасанг, шу — севги, шу — ишқ. Факат буни илгаш, англаш, қадрига етиш мушкул. Тош даврида ҳам маҳбубасига энг катта қийик шохини ёки оппоқ қуён терисини (мухаббат қурбон талаб қилади, дегани ҳам эҳтимол шудир) совга килиб севги изхор қилган довурак йигитлар бўлганига ишонгим келади. Демокчиманки, мухаббат — ҳаётдаги жамики синовларни, қувончу аламларни бирга қўришга, енгишга, бир тану жон бўлиб яшашга муносиб ҳамроҳ, ишончли шерик топиш эҳтиёжидир. Янаям очқрок айтсам, ёлғизликдан толиқиб қолмаслик учун юборилган иноят.

— Сиз анъанавий услубда ёзасиз, яъни шеърларингизда халқона оҳанг жуда қучли ва таъсирли ифодаланади. Сиз бунга қандай эришгансиз?

— Тасаввур қилинг, тинмай ёзсангиз, жилд-жилд китоб чиқарсангизу, асарларингиз китобхонни зериктирса, энсасини котирса. Бу қанака ижод бўлади?! Адабиёт дегани инсон кўнглининг таққикотчиси. Агар у мана шу вазифасидан бир лаҳза чекинса ҳам, ўз қимматини йўқотади. Илдизи йўқ туйгулар, мағзи пуч даъволар билан одамларни алдашга шоирнинг ҳақи йўқ. Аксинча, қурби етса миллатнинг дилидагини таржима қилсин, оҳангга солсин ва минглаб-миллионлаб қалбларни бир сатр билан ларзага солсин.

Мен ҳам эл ичида юриб, унинг қўксига қулоқ босиб ижод қилишга уринаман.

Уринишларим қанчалик самарали бўлаяпти ёки йўқ, буни мана шу миллат хал қилади.

— Бугунги кунда шеърятимизга қириб келаётган ёш қаламкашлар ижодида маълум маънода услубий-шаклий изланишлар қузатилмоқда. Аксарият ижодкорлар тақлид қилиб шеър ёзишдан ҳам қарчамаяпти. Фикримча, тақлид шоирнинг ўз овозини синдириб ташламайдими?

— Ўзингиз бу жараёни “изланишлар” деб атаяпсиз. Бу изланишлар эртага муваффақиятга, тажрибага ва, нихоят, адабиётга айланадими-йўқми, вақт баҳолайди. Устозлар ҳозир уларга шароит яратишади, эътибор беришади, лекин ёш каламкашларни шоир киламиз деб ваъда қилишмайди. Адабиётнинг шафқатсиз ва адолатли қоидаси шу. Таклид эса, кўзга кўриниб турган яра — кесиб ташлайсангиз ҳам, чандиги қолади.

— Бир пайтлар шоир Мухаммад Юсуф (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин): “Шеърларимни кўшиқ бўлиши учун ёзмайман, шеърларим ўз оҳанги билан дунёга келади”, деган эди. Бу ҳолатни сизнинг ҳам ижодингизда кузатиш мумкин. Шу ҳақда қандай фикрдасиз?

— Кўшиқ шеърнинг улгайган кўриниши. Мен фақат яхши кўшиқ ва пухта шеър ҳақида гапираяпман. “Лирика” сўзи лира чолғу асбоби номидан олинганини эсласак, ҳаммаси қундай равшан. Шеър оҳанги билан жозибали, агар шу оҳангни бирор хонанда илгаса, уни ривожлантиради. Гўзал оҳангга ширали овоз кўшилса, икки гўзаллик инсон қалбини тезроқ ром этади. Менинг шеърларим билан қуйланаётган кўшиқлар ҳам шу таҳлит дунёга келган бўлса, ажабмас.

— Ижодингизнинг энг гуллаган, яъни сизга омадлар олиб келган йиллар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— 90-йилларнинг ўрталарида кўпгина ўзимга ёқадиган шеърлар ёзганман. Агар мукофотлар ҳақида сўраётган бўлсангиз, буни одамлар яхши билади. Аммо мен бошқа бир жиҳатга тўхталмоқчиман. Фараз қилинг, бир адабиёт ўқитувчиси китобингизни вараклаб туриб, эртанги дарсида шу шеърларни болаларга ўқиб беришни кўнглига тугса, мана шу ҳақиқий омад, бахт. Суйган кизига хат ёзаётган йигит тилида сизнинг мисраларгиз айланса, бу чинакам шоирлик. Энди ўзингиз эл севган шоирлар нақадар омадли, бахтли бўлишини ўйлаб кўринг.

— Ижодкорлар орасида устоз-шогирд муносабати доимо қадрланиб, эъзозланиб келинади. Сизнинг ҳам шоир бўлишингизда маълум маънода устозлар таъсири бордир, унинг беминнат сабоқларидан ибрат олгандирсиз. Устозингиз ҳақида айтсангиз?

— Устозлар ҳақида кўп гапирганман. Яна айтиш мумкин, Эркин Воҳидов, Шавкат Раҳмон, Рауф Парфи, Мухаммад Юсуф ва ёшидан катъи назар ҳамма яхши шоирлардан сабоқ олиб келаман.

— Масалан, Рауф парфи ижодида “булут, томчи, кўз ёш”, Мухаммад Юсуф ижодида “райхон, ялпиз, қийик, қизгалдок”, сизнинг шеърларингизда “куз, япроқ, ҳазонрезги, ой” каби тимсолларни кузатамиз. Булар ҳам хис-туйғуларни ифодалашда муҳим аҳамият касб этадими?

— Шеър муаллифнинг таржимаи ҳоли. Ҳар бир шоирнинг кўзига сингиб қолган, хидига ўрганиб қолган, бармоғига санчилиб қолган ранглари, товушлари, лаҳзалари бўлади. У ана шуларга мудом қайтади, ўзини ларзага солган ходисаларни такрор, аммо янги ташбеҳ, янги оҳанг билан айтгиси келади. Буни уддалай олган шоирларда эса шахсий рамзлар, тимсоллар яралади. Бу ижодкор етиши мумкин бўлган энг баланд чўкки — сени сўзларингдан, оҳангингдан танишдим, шоирлигинг шу..

— Шеърят муҳлисларига тилақларингиз?

— Муҳлисларнинг фарзандлари ҳам яхши китоблар ёзиб, бизга дастхат ёзиб беришсин.

Хурсандбек ТҶУЛИБОЕВ суҳбатлашди